

8. Бельченко В.А. Клинико-анатомическое обоснование использования трансантрального оперативного доступа при переломах нижней стенки глазницы / В. А. Бельченко, Г.Н. Рыбальченко // Стоматология. -2014. -№3(93). С. 23-27.

9. Hopper R.A. Diagnosis of midface fractures with CT: what the surgeon needs to know / R.A. Hopper S. Salemy, R.W. Sze// Radiographics. - 2006. - Vol.26, №3.- P.783-793

УДК-611.61.018.616-099

ТАЖРИБАДА СУТ БЕЗИ САРАТОНИ КИМЁТЕРАПИЯСИДА БУЙРАКЛАРДАГИ МОРФОЛОГИК ВА ҚОННИНГ БИОКИМЁВИЙ КЎРСАТГИЧЛАРИНИ ЎЗГАРИШЛАРИ

Бахронов Журъат Журакулович

ORCID ID: 0000 0002 9178 3367

Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро шаҳри.

Аннотация. Сўнги ўн йилларда онкологик касалликлар сонининг кўпайиши ўсма хужайраларига таъсир қилишнинг янги дори воситалари ва усуллари ишлаб чиқишни, айрим ҳолларда кимётерапия режимларини кучайтиришни талаб қилади. Ўсма касалликларини даволашда эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда, даволашнинг токсиклиги жуда катта муаммодир.

Калит сўзлар: саратон, концироген, кимётерапия, саркома апликация.

ИЗМЕНЕНИЕ БИОХИМИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ КРОВИ И МОРФОЛОГИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ ПОЧКИ ПРИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ ХИМИОТЕРАПИИ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ

Бахронов Журъат Журакулович

Бухарский государственный медицинский институт, г. Бухара 1.

Аннотация. В последние десятилетия рост числа онкологических заболеваний требует разработки новых препаратов и методов воздействия на опухолевые клетки, а в ряде случаев – усиления режимов химиотерапии. Несмотря на прогресс, достигнутый в лечении опухолевых заболеваний, токсичность лечения представляет собой огромную проблему.

Ключевые слова: рак, канцероген, химиотерапия, саркомы, апликация.

CHANGES IN BIOCHEMICAL INDICATORS OF BLOOD AND MORPHOLOGICAL PARAMETERS OF THE KIDNEY DURING EXPERIMENTAL CHEMOTHERAPY FOR BREAST CANCER

Bahronov Jurat Jurakulovich

Bukhara State Medical Institute, Bukhara.

Annotation. In recent decades, the increase in the number of cancer diseases requires the development of new drugs and methods of influencing tumor cells, and in some cases, the strengthening of chemotherapy regimens. Despite the progress made in the treatment of tumor diseases, treatment toxicity is a huge problem.

Key words: cancer, carcinogen, chemotherapy, sarcomas, application.
e-mail: bahronovjurat7@gmail.com

Долзарблиги. Ўсма касалликларини даволашда эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда, даволашнинг токсиклиги жуда катта муаммолидир. Саратон касаллигида ривожланадиган буйрак шикастланиши дорилар концентрациясининг ўзгариши ёки ошиши олиб келиши мумкин, бу уларнинг токсиклигини оширади, касалхонада қолиш муддатини узайтиради ва ўлимни оширади [1,3].

Кимётерапия ўсма ҳужайраларининг ўсишини камайтирадиган махсус дорилар ёрдамида саратон касаллигини даволаш ёки олдини олишнинг махсус усули ҳисобланади[4]. Кимётерапия ҳар доим ҳам тўлиқ даволанишга олиб келмайди, лекин беморнинг ҳаётини сезиларли даражада узайтиради ва унинг ҳолатини яхшилайдди [7].

Кимётерапиянинг асосий мақсади беморнинг танасига минимал зарарли таъсир кўрсатадиган, аммо саратон ҳужайраларини тўлиқ йўқ қилишга қаратилгандир [6]. Замонавий режимлардан фойдаланиш, уларни кимётерапия воситаларини эҳтиёткорлик билан танлаш, шифокорнинг доимий назорати ва унинг барча тавсияларини бажариш беморга кимётерапия курсини осонроқ ўтказишга ёрдам беради [2,5].

Тадқиқот объекти сифатида 6 ойлик оддий вивариум шароитида 18 та оқ рангли зотсиз аёл каламушлар қўлланилди.

Материал ва усуллар. Тадқиқот объекти сифатида 6 ойлик оддий вивариум шароитида боқилган ва сут бези саратонига чалинган 18 та оқ рангли зотсиз аёл каламушлар қўлланилди. Барча лаборатория ҳайвонлари 2 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳ - стандарт вивариум шароитида бўлган соғлом тажриба ҳайвонлар; 2-гуруҳ – саратон касаллигига чалинган каламушларга 0,4 мг/кг дозада томир ичига цисплатин воситаси киритилди.

Тажрибаларни сифатли ўтказиш учун ҳар бир гуруҳдан 2-3 та каламуш олинди. Наркоз сифатида эфир билан хушсизлантирилиб, тажриба ҳайвонларни қорин аортасидан қон намуналари олинди. Намуналар мочевина ва креатинин миқдори учун синовдан ўтказилди.

Тадқиқот натижалари. 1-гуруҳ назорат гуруҳини буйрак таначасининг умумий майдони 2887,31 мкм² дан 2978,58 мкм² гача, ўртача 2938,62 ± 37,79 мкм², қон томирлари коптокчасининг майдони 2554,78 мкм² дан 2611,08 мкм² гача, ўртача 2582.14 ± 26.64 мкм² ва капсула бўшлиғи майдони 463.27 мкм² дан 486.23 мкм² гача, ўртача 475.34 ± 21.11 мкм² ни ташкил қилади.

Каламушлар буйрагининг проксимал эгри-бугри каналчалари диаметри 35,16 мкм дан 38,78 мкм гача, ўртача 36,98 ± 0,21 мкм, найчалар бўшлиғи диаметри 15,32 мкм дан 18,09 мкм, ўртача 16,24 ± 0,21 мкмни ташкил қилади. Бу эса ушбу ёшдаги каламушларда реабсорбция жараёнларининг юқори фаоллигидан далолат беради.

Назорат гуруҳидаги каламушлар буйрагининг дистал эгри-бугри каналчалари диаметри 29,21 мкм дан 32,12 мкм гача, ўртача 30,96 ± 0,05 мкм, каналчалар бўшлиғининг диаметри 16,05 мкмдан 17,23 мкм гача, ўртача 16,05 ± 0,12 мкм гачани ташкил қилади.

1-гуруҳ тажриба ҳайвонларидан 3 та каламуш олинди. Наркоз сифатида эфир билан хушсизлантирилиб, тажриба ҳайвонларни қорин аортасидан қон намуналари олинди. Намуналар мочевина ва креатинин миқдори учун синовдан ўтказилди. Бунда мочевина 3,1-5,4 ммоль/л, креатини эса 72,6-85,3 мкмоль/л кўрсаткичларни намоён қилди.

2-гуруҳ саратон касаллигига чалинган каламушларга 0,4 мг/кг дозада томир ичига цисплатин воситаси киритилди.

Экспериментал гуруҳнинг каламушларида буйрак таначасининг умумий майдони ўртача ҳисобда 2684,97 мкм² дан 2768,67 мкм² гача, ўртача-2738,27 ± 46,65 мм², экспериментнинг 1-гуруҳига нисбатан 7,02% га кам, томирлар коптокчасининг майдони 2400,76 мкм² дан 2454,34 мкм² гача, ўртача -2427,08 ± 34,53 мкм², тажрибанинг 1-гуруҳига нисбатан 5, 68% кам ва капсула бўшлиғи майдони 402,81 мм² дан 422,83 мм² гача, ўртача 413,26 ± 32,09 мм², тажрибанинг 1-гуруҳидан 12,73% га камлиги кўрилди.

2-гуруҳ каламушларида проксимал эгри-бугри каналчаларининг диаметри 32,26 мкмдан 34,96 мкмгача ўзгаргани аниқланди, ўртача 33,18 ± 0,47 мкм, бу экспериментнинг 1-гуруҳига қараганда 8,28% га камроқ, проксимал эгри-бугри каналча бўшлиғи диаметри 12,85 мкмдан 15,31 мкмгача, ўртача - 13,64 ± 3,08 мкм, тажрибанинг 1-гуруҳи билан таққослаганда 15,47% га кам ташкил этади.

Каламушлари буйраги нефрони дистал эгри-бугри каналча диаметри 26,64 мкмдан 28,23 мкмгача, ўртача $27,46 \pm 0,48$ мкмни ташкил қилади, тажрибанинг 1-гуруҳидан 9,69% га кичик, дистал эгри-бугри каналча бўшлиғи диаметри 13,12 мкмдан 13,94 мкмгача, ўртача $13,58 \pm 0,21$ мкм, экспериментнинг 1-гуруҳига нисбатан 18,29% га кам эканлиги аниқланди.

Тажриба ҳайвонларни қорин аортасидан қон намуналари олинди. Бунда эса назорат гуруҳи тажриба ҳайвонларига нисбатан мочевина 17% га ммоль/л, креатинин эса 15,6% га кўтарилганини намоён қилди.

Хулоса. Каламушлар кимётерапиясида буйраklarининг органометрик ва гистоморфометрик параметрларига салбий таъсирини кўрсатди. Бу буйраklarининг чизиқли ўлчамлари ва интеграл қийматлари билан солиштирганда, тажрибанинг 1-гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан қон томир коптокчаси ва капсула бўшлиғи майдони, шунингдек проксимал ва дистал эгри-бугри каналчалари ва уларнинг бўшлиғи диаметрларининг ўлчамлари камайиши билан кечди.

Тадқиқотимиз мобайнида тажриба ҳайвонлардаги биохимик (мочевина ва креатинин) таҳлиллар морфометрик таҳлиллар билан муносиб ўзгаришларга учради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Бахронов Ж. Ж. ХАРАКТЕРИСТИКА МОРФОМЕТРИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ ПОЧКИ ПРИ ХРОНИЧЕСКОЙ ЛУЧЕВОЙ БОЛЕЗНИ //Интернаука. – 2021. – №. 21-1. – С. 61-63.

2.Бахронов, Ж. Ж. (2022). Морфологическая И Функциональная Изменения Почки При Токсическое Поражение Печени. Central Asian Journal of Medical and Natural Science, 3(5), 332-335.

3.Бахронов, Ж. Ж. (2022). Саратон Касаллиги Кимётерапиясида Буйраklarнинг Шикастланиши. AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI, 1(7), 95-99.

4.ВАКХРОНОВ, J. A. J., ТЕСШАЕВ, S. J., & ШОДИЕВА, M. S. (2021). Morphometric characteristics of parts of rat kidney nephron in normal and under the influence of an antiseptic-facility 2 road stimulator on the background of chronic radiating disease. International Journal of Pharmaceutical Research (09752366), 13(1).

5.БАХРОНОВ, Ж., & ТЕСШАЕВ, Ш. РЕТРАКЦИЯ. НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ Учредители: Бухарский государственный медицинский институт, ООО "Новый день в медицине", (2), 500-502.

6.Бахронов, Ж. Ж., & Тешаев, Ш. Ж. (2020). Морфометрическая характеристика частей нефрона почек крыс в норме и при воздействии антисептика-стимулятора дорогова фракции 2 на фоне

хронической лучевой болезни. Проблемы биологии и медицины, (4), 138-140.

7. Givens ML, Wethern J. Renal Complications in Oncologic Patients. Emerg Med Clin North Am 2009;27: 283-291. <https://doi.org/10.1016/j.emc.2009.01.001>

УДК 616-089-06

ВОЗМОЖНОСТЬ АНГИОСТИМУЛИРУЮЩЕГО ЭФФЕКТА ПРЕПАРАТА НАНОМЕДИ ПРИ ВОЗДЕЙСТВИИ НА АСЕПТИЧЕСКУЮ ХИРУРГИЧЕСКУЮ РАНУ

¹Бейсембаев А. А., <https://orcid.org/0000-0002-7922-3367>

¹Габитов В. Х., <https://orcid.org/0000-0002-3758-8448>

²Кахаров З. А. ¹Габайдулин А. В.

¹Кыргызско-Российский Славянский университет имени первого
Президента Российской Федерации Б.Н. Ельцина

²Андижанский государственный медицинский институт

Резюме

Актуальность, приведенных в статье результатов исследования, заключается в необходимости поиска средств, позволяющих ускорить регенерацию тканей. Достигнута цель в разработке нанопрепарата меди для стимуляции заживления асептических ран. На модели асептической раны мягких тканей крыс проводили ежедневные аппликации препарата наномеди. Проведена морфометрия гистологических препаратов со статистической обработкой данных. В результате, отмечено раннее стихание воспалительного процесса, раннее формирование регионарной сосудистой сети, раннее развитие грануляционной ткани, что приводит к полному заживлению ран в 1,5 раза быстрее, чем при спонтанном их заживлении. Полученные данные позволяют рекомендовать указанный препарат наномеди для клинического применения, что будет способствовать сокращению содержания больных в стационаре или на амбулаторном лечении.

Ключевые слова: обширные асептические хирургические раны, наномедь, регенерация тканей, регионарное кровеносное русло.